

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**САЛЯМОВА ФЕРУЗА ЭРКИНОВНА**

**СУРУНҚАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИДА ЮРАК ҚОН-ТОМИР  
АСОРАТЛАРИ ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ ПРОГНОСТИК  
АХАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3302 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сабиров Мақсуд Атабаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нуриллаева Наргиза Мухтархановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Кенжаев Мажид Латипович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда сурункали буйрак етишмовчилиги нафақат тиббий, балки ижтимоий ҳамда иқтисодий жиҳатлари билан аҳоли орасида долзарблигича қолмоқда. Клиник тиббиётда сурункали буйрак етишмовчилиги (СБК) ташхиси «...XXI асрга келиб Америка қўшма штатлари Миллий буйрак фонди – NKF/KDOQI таклифига биноан сурункали буйрак касаллиги атамасига ўзгартирилди...»<sup>1</sup>. Бу бутун жаҳон миқёсида буйрак касалликлари ва уларнинг асорати бўлган сурункали буйрак касаллигига нисбатан бошқача, алоҳида ёндашувнинг такомиллашаётганидан далолат беради.

Жаҳонда ҳозирги кунда сурункали буйрак етишмовчилигининг патогенетик бўғинларини турли хил йўллар билан мувофиқлаштириш, касалликни авж олишини секинлаштириш, бемор ҳаёт сифатини яхшилаш ва умрини ҳамда диализгача бўлган даврни узайтиришга эришиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Сурункали буйрак касаллиги дастлабки босқичларида коптокчалар микроциркуляциясининг бузилишларидаги ўзгаришлар, унинг кечки босқичларида барча қон томирлари тизимларида ҳам юз бермоқда, мазкур жараёнларни янада чуқурлашишига, ёмонлашишига ва жадаллашига олиб келадиган энг асосий мезон бу шубҳасиз – коптокчалардаги микроциркуляциянинг бузилиши туфайли пайдо бўлган гиперкоагуляция ва микротромбозлар оқибатидаги нефроангиосклероздир.

Республикамызда илмий-амалий тиббиёт соҳасини ривожлантириш, уни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган «Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ҳамда диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражадаги сурункали буйрак касаллигини ташхислаш ва даволашда тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ҳамда уни сифатини таъминлашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи

<sup>1</sup> Смирнова Н.Н., Куприенко Н.Б. Нефрология. 2013. – Том-17, № 6. – С. 37-45.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, 2018 йил 12 июлдаги ПҚ–3846-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Аср бошида шархлов адабиётларда сурункали буйрак касаллиги 2040 йилларга келиб, ўлимга олиб келувчи ноинфекцион касалликлар орасида бешинчи ўринни эгаллаши башорат қилинган эди. Бироқ, ҳали бу давр келмай мазкур патология том маънода XXI асрнинг чинакам пандемияга айланиб улгурди [Есаян А.М.-2021, Батюшин М.М.-2020, Ikizler T.A.-2020]. СБЕ ёхуд СБК бўйича кенг қамровли клиник тадқиқотлар олиб борилаётганига қарамай муаммо долзарблигича қолмоқда [Асадов Р.Х.-2021]. Касалликни авж олишига сабаб бўладиган йирик патогенетик бўғинлардан бири бу буйрак касалликларида юзага келадиган юрак қон-томир асоратларидир.

АҚШда ўтказилган йирик эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, СДК нинг 3-4 босқичида бўлган беморларда кўпинча ўлимга олиб келувчи юрак-қон томир ҳолатларига киради: юрак билан боғлиқ бирданига келувчи ўлим, атримия ёки димланишли юрак етишмовчилиги, кам ҳолатларда миокард ўлими каби қон томир-тикилиш шикастланишлари. Чап қоринчанинг қайта тузилиши унинг тузилмали - геометрик ўзгаришлари, шу жумладан чап қоринча гипертрофияси ва дилатацияси бўлиб, натижада юракнинг геометрик шакли, сфериклиги ўзгаради, систолик ва диастолик вазифасининг бузилишига олиб келади. NHANES (National Health and Nutrition examination Survey) йирик регистрлар маълумотларига кўра, коптокча филтрацияси тезлигини (КФТ) 60 мл/мин дан паст қийматда турғун бузилишининг тарқалганлик даражаси умумий популяцияда 13% ни ташкил қилади

Маълумки, гломеруляр касалликларда ҳамиша тромбоцитлар агрегация фаоллиги ошишини кузатилиши ва шакллий элементларни қон томирлар деворига адгезияси туфайли қон ивиш тизимини бузилиши кузатилади. Оқибатта юзага келган коптокча капиллярларида микротромбозлар ва перанхимаси ишемияси туфайли буйракларнинг морфофункционал структурасига сезиларли жиддий таъсир кўрсатади. Бу патологик жараён албатта СБК авж олишининг энг муҳим омилдир [Барноев Х.Б.-2020].

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда Б.Т. Даминов, М.А. Сабиров ва бошқа олимлар раҳбарлигида бу борада кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунинг учун, биз тадқиқотларимиз мобайнида СБК авж

олишнинг энг асосий бўғини бўлган юрак қон-томир тизими номутоносибликларини ўрганишни, бунда буйрак ичи гемодинамикаси бузилишларини баҳолаш ва турли генезли нефропатиялар туфайли келиб чиққан СБК нинг эрта босқичларида ушбу шкалани қўллашни, унинг самарадорлигини тахлил қилишга бағишланган илмий изланишларни олиб борилишини мақсадга мувофиқ деб билдик. Шундай экан мазкур тадқиқот изланишлар зарурияти ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий тадқиқот режасига мувофиқ №01070070 «Сурункали буйрак касаллигида функционал-метоболик бузилишларнинг клиник патогенетик жиҳатлари ва авж олишининг терапиясини муқобиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган. (2019-2024 йй.)

#### **Тадқиқотнинг мақсади.**

Сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқичи, режали гемодиализдаги ва буйрак трансплантацияси ўтказган беморларда, клиник патогенетик механизмларини ўрганиш асосида, юрак қон-томир тизими асоратларини хавф омилларини прогностик аҳамиятини баҳолашдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқичдаги, стандарт кўрсаткичдаги диализ суюқлиги негизидаги гемодиализ олувчи ва буйрак трансплантацияси ўтказган беморларни клиник ҳолати, лаборатор кўрсаткичлар ва электролитлар дисбалансини ўрганиш;

сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқичдаги, дастурли гемодиализ олувчи ва буйрак трансплантацияси ўтказган беморларда юрак морфофункционал ҳолатини электрокардиография, эхокардиография, Холтер мониторинги орқали баҳолаш ва ўзаро баҳолаш;

юрак қон-томир тизими касалликлари хавф омиллари артериал гипертензия, анемия, дислипидемияни сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқичдаги, дастурли гемодиализ олувчи ва буйрак трансплантацияси ўтказган беморларда миокарднинг структур-функционал ремоделланишига таъсир даражасини аниқлаш;

сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқич, режали гемодиализ олувчи ва буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказган беморлардан олинган натижалар асосида юрак қон-томир тизими касалликлари асоратларини башоратлаш шкаласини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2022-2024 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси нефрология бўлимида даволанган 40 нафар сурункали буйрак касаллигининг III-IV босқичи билан касалланган беморлар, Республика ихтисослашган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази буйрак трансплантологияси бўлимида даволанаётган 40 нафар беморлар ва 30 нафар кўнгилли соғлом шахслар назорат гуруҳи сифатида олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларнинг клиник, биокимёвий текширувлар, электролитлар ва липидограмма, буйрак функционал ҳолатини ва асбобий текширувлардан эхокардиография, Холтер мониторинги натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқичи билан оғриган, дастурли гемодиализ олувчи ва буйрак трансплантацияси ўтказган беморлар асосий 3 гуруҳга ажратилди. Хар бир гуруҳ умумий қон тахлили, қон биокимёвий текшируви (умумий оксил, альбумин, креатинин, мочевино, билирубин, глюкоза, АЛТ, АСТ), липид спектри, электролитлардан калий, натрий, кальций, магний ва фосфор текширувга олиниб, эхокардиография, Холтер монитори қўйилди ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқичдаги, стандарт кўрсаткичдаги диализ суюқлиги негизидаги гемодиализ олувчи ва буйрак трансплантацияси ўтказган беморларда лаборатор кўрсаткичлар ва электролитлар дисбаланси юрак қон-томир системаси касалликларига сабаб бўлиши амалий асосланган;

сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқичдаги, дастурли гемодиализ олувчи ва буйрак трансплантацияси ўтказган беморларда юрак морфофункционал ҳолатининг юқори градацияли аритмиялар учраш частотасига салбий таъсири аниқланган;

юрак қон-томир тизими касалликлари хавф омиллари артериал гипертензия, анемия, дислипидемияни сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқичдаги, дастурли гемодиализ олувчи беморларда юрак қайта тузилишининг салбий тарафга ўзгариши, аксинча буйрак трансплантацияси ўтказган беморларда эса миокарднинг структур-функционал ремоделланишига ижобий таъсир динамикаси амалий исботланган;

сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқичдаги, режали гемодиализ олувчи ва буйрак трансплантацияси ўтказган беморлар клиник ҳолати, лаборатор кўрсаткичлар ва электролитлар дисбалансини ва бошқа хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда юрак қон-томир тизимига таъсирини ўрганувчи шкала кўриб чиқилди ва амалга тадбиқ этилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот давомида олинган натижалар миокарднинг турли хил структур-функционал ва электрик ремоделланишига таъсир қилиб, юрак қон-томир системаси касалликларининг бошқариб бўладиган ва бошқарилмайдиган омиллари натижасида беморларда ушбу тизимнинг патологик қайта тузилишига олиб келиши ўрганилган;

сурункали буйрак касаллиги билан оғриган, дастурли гемодиализ олувчи ва буйрак трансплантацияси ўтказган беморларда электролитлар дисбалансини юрак уриш частотасига таъсир механизми амалда ўз исботланган;

олинган натижалар ёрдамида юрак қон-томир тизими касалликларини келтириб чиқарувчи хавф омилларини эрта аниқлаб амалиётга тадбиқ этилган;

сурункали буйрак касаллиги билан оғриган, дастурли гемодиализ олувчи ва буйрак трансплантацияси ўтказган беморларда келгусидаги кутилаётган юрак қон-томир тизими асоратларини аввалдан кўра билиш учун шкала ишлаб чиқарилиб, амалиётга тадбиқ этилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, зарур даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимий, асбобий ва статистик усуллар асосида сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган, режали гемодиализ олувчи беморлар ҳамда буйрак реципиентларида юрак қон-томир асоратлари ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СБКнинг турли босқичларида буйрак фаолияти кўрсаткичлари, яъни қонда мочевина, креатинин ва улар асосида ҳисобланган коптокчалар филтрацияси тезлиги ҳамда юрак қон-томир тизимидаги ўзгаришлар, шунингдек, буйраклар функционал захираси каби ишончли лаборатор кўрсаткичлар билан миокарднинг қайта тузилиши орасида узвий боғлиқлик борлиги исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган амалий тавсияларнинг бажарилиши ва амалиётга тадбиқ этиш орқали СБК турли босқичларида буйрак функционал ҳолати кўрсаткичларидаги бузилишларни яхшилаш, уни эрта босқичларидаги беморларни даволанишини муқобиллаштириш ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшиланиши, диализ олди давридаги беморларда эрта амалга оширилган буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти самарадорлиги натижасида коптокчаларда ва миокарддаги ўзгаришларни эрта олдини олиш орқали юрак қон-томир асоратларини барвақт кўра билиш, диализга мухтож беморлар сонини камайиши билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқичдаги, доимий кўрсаткичдаги диализ суюқлиги негизидаги гемодиализ олувчи ва буйрак трансплантацияси ўтказган беморларни клиник ҳолатидаги ўзгаришларга лаборатор кўрсаткичлар ва электролитлар мувозанати орасидаги тафовутлар сабабчи эканлиги исботланганлиги Республика ихтисослашган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази 2023 йил 16 октябрдаги №62 буйруқ асосида ва Тошкент вилояти куп тармоқли тиббиёт марказларида 2023 йил 19 октябрдаги 109-сонли буйруғи асосида амалиётга тадбиқ этилган. Ижтимоий самарадорлиги таклиф этилган текширувларда қондаги анемия кўрсаткичи, гиперкалиемия, гипомагниемия ва гиперхолестеринемия кўрсаткичлари буйрак трансплантацияси амалиётидан кейин меъёрий кўрсаткичлар билан тенглашганлиги орқали ҳаёт сифати яхшилانган.

Сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқичдаги, дастурли гемодиализ олувчи беморларнинг буйрак трансплантацияси ўтказган беморларга нисбатан

юрак морфофункционал ҳолатини эхокардиографик ўзгаришларининг бемор ҳаётига хавф солувчи юқори градацияли аритмиялар учрашини ортиши, Холтер мониторинги орқали баҳолаш ва ўзаро тафовут аниқланиши исботланганлиги самарадорлиги буйрак трансплантацияси амалиётидан кейин беморлар антианемик даво ва юрак абляцияси амалиётига мухтожлик сезмаслиги орқали икки юз минг сўмдан 25 миллион сўм атрофида иқтисод қилишга эришилган.

Сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқичдаги, дастурли гемодиализ олувчи ва буйрак трансплантацияси ўтказган беморларда миокарднинг структур-функционал ремоделланишига таъсир этувчи, юрак қон-томир тизими касалликлари хавф омиллари ҳисобланадиган артериал гипертензия, анемия, дислипидемияни миокарднинг структур-функционал ремоделланишига таъсир даражаси билан боғлиқлик эканлиги исботланганлиги самарадорлиги буйрак трансплантацияси амалиётидан кейин беморлар гипотензив давога мухтожлик сезмаслиги орқали икки юз минг сўм атрофида иқтисод қилишга эришилган.

Сурункали буйрак касаллиги 3-4 босқичдаги, режали гемодиализ олувчи ва буйрак трансплантацияси ўтказган беморлар клиник ҳолати, лаборатор кўрсаткичлар ва электролитлар мувозанати бузилиши ва бошқа хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда юрак қон-томир тизимига таъсирини ўрганувчи шкала кўриб чиқилиши исботланганлиги тақлиф этилган текширувларда буйрак трансплантация амалиётидан кейин лаборатор ва инструментал текширув натижалари орасидаги фарқ, юрак қайта тузилиши секин асталикда меъёрий кўрсаткичларга яқинлашиши, юқори градацияли аритмияларнинг камайиши ва турғун гипертензия даражаси камайиши орқали ҳаёт сифати яхшиланган.

Салямова Феруза Эркиновнанинг “Сурункали буйрак касаллигида юрак қон-томир асоратлари хавф омилларини прогностик аҳамиятини баҳолаш” мавзусидаги илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент давлат стоматология институтининг 2023 йилнинг 10 октябрьдаги 04-1810-сонли хати юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 2та услубий тавсиянома, 7 та мақола, жумладан, бтаси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари асосланган, ўрганиш объекти ва мавзуси тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

**Тадқиқотнинг биринчи “Сурункали буйрак касаллигида юрак қон-томир асоратлари хавф омиллари клиник хусусиятлари (адабиётлар шархи)”** бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётлардаги мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида сурункали буйрак касаллиги негизидаги юрак қон-томир тизимида ва организмдаги бир қанча ўзгаришлар ва уларнинг буйрак кўчириб ўтказиш амалиётидан сўнги қайтар ўзгаришлар тўғрисидаги мавжуд замонавий маълумотлар таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг иккинчи “Тадқиқот материаллари ва услублари”** бобида “Тадқиқот манбалари ва қўлланилган усуллари” мақсад ва белгиланган вазифаларга кўра тадқиқотда қўлланилган материал ва усулларнинг умумий тавсифи батафсил ёритиб берилган.

Тадқиқот учун турли буйрак ва баъзи буйракдан ташқари касалликлар негизида ривожланган бирламчи ва иккиламчи нефропатиялар оқибатида келиб чиққан ва тадқиқот манбаси сифатида Тошкент Тиббиёт Академиясининг 3-клиникаси Нефрология бўлимида, Республика ихтисослашган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказида даволанган беморларда олиб борилди. Беморларнинг розилиги остида ёзма баённома олинди. Умумий ҳисобда буйрак касаллиги билан оғриган 119 нафар СБК билан оғриган беморлар олинди. Ташхис ва СБК босқичлари АҚШ миллий буйрак фонди (NKF K/DOQI, 2002) тавсияси асосида шакллантирилди. Этиологик жиҳатдан қаралганда беморларнинг асосий қисми сурункали гломерулонефрит 60 нафар, 30 нафар сурункали пиелонефрит, ҚД 2 тип билан 18 нафар, ҚД 1 тип билан 2 нафар ва сийдик йўллари туғма аномалиялари билан 2 нафар ташхисланган беморлардир. Сурункали пиелонефрит нозологиясига буйрак-тош касаллиги ва буйраклар поликистози сабабли пайдо бўлган иккиламчи пиелонефритлар ҳам киради. Шунингдек бошқа бир қатор касалликлар (3 нафар сурункали тубулоинтерстициал нефрит, 3 нафар тизимли касалликлари ва 4 нафар гипертония касаллиги ва ЮИК оқибатида пайдо бўлган СБК беморлари) киритилди.

### **Беморларнинг нозологиялар бўйича тақсимланиши.**

Биринчи гуруҳ 40 та бемордан ташкил топган бўлиб, СБК 3-4 босқичидаги беморлардир. Булардан 7(17,5%) нафар беморлар эркаклар, 33(82,5%) нафар беморлар аёлларни ташкил этди.

Қабул қилиш мезонлари (барча гуруҳлар учун):18 ешдан катта бўлганлар,СБК терминал босқичдаги ўрин олувчи терапиядагилар (гемодиализ ва буйрак трансплантациясидан кейинги ҳолат),текширувда иштирок этиш учун ёзма розилик олинган беморлардир.

Инкор этиш мезонлари (барча гуруҳлар учун):18 ёшдан кичик бўлганлар,режали гемодиализ бошланганига 1 ой бўлмаган беморлар,буйрак кўчириб ўтказиш амалиётига 4 ойдан ошмаган беморлар,онкологик касаллиги бор беморлар, текширувда иштирок этишни истамаган беморлар, ментал ва психологик бузилиш ҳолатлари кузатилган беморлар

Иккинчи гуруҳдаги беморларимиз сони ҳам 40та бўлиб, улардан 18(45%) таси эркаклар ва 22(55%) аёллардан ташкил топган, ҳозирда дастурли гемодиализ олаётган беморлардир. Иккинчи гуруҳ беморлар артериовеноз фистула орқали, аппаратда бикарбонатли ва ацетатли режали гемодиализ олувчи беморлардир. Гемодиализ давомийлиги ҳафтасига 3 мартаба 4 соатдан бўлиб, умумий ҳисобда ҳафтасига 12 соат. Режали гемодиализнинг давомийлиги ўртача 14ой, максимал 36 ой бўлиб, энг кам стаж 9 ойга тенг. Учинчи гуруҳимиз 39та буйрак кўчириб ўтказиш амалиетидан кейинги беморлар бўлиб, улардан 24(61,5%)таси эркак ва 15(38,5%)таси аёллардир. Қабул қилиш мезонлари юқоридаги билан бир хил бўлиб, инкор этувчисига буйрак кўчириб ўтказилганидан сўнг камида 6 ой ўтказган беморлардан ташкил топган.

Объектив кўриқда беморларнинг умумий аҳволи 79 тасида ўрта оғир, 6 тасида оғир (оғир артериал гипертензия ва юқори интоксикация ҳисобига) ва 34 та беморимизда нисбатан қоникарли деб баҳоланди. Кўриқ вақтида 78 беморда тери ва шиллиқ қаватларнинг оқарганлиги, 32 нафариди юз ва оёқларида шиш, 73 беморда қовоқлар ва юзда салқин аниқланди. 89 беморнинг тана вазни сақланган бўлиб, 19 нафариди тана вазнининг камайиши аниқланди.

Юрак қон томир тизимини юрак нисбий чегаралари бўйича текширганда, 34 беморда нормал, 91 беморда чап қоринча гипертрофияси белгилари аниқланди. Аускультацияда эса деярли барча беморларда юрак тонлари бўғиклашган ва 47 беморда юрак чўққисиди юмшоқ систолик шовқин ва аортада II тон акценти эшитилади. Пульс ўртача 66–88 та/мин га тенг бўлиб, 107 беморда артериал гипертензия ташхисланди, жумладан:

I даража- (юмшоқ АГ) 76 беморда (Систолик артериал босим  $150 \pm 7.3$  мм.сим. уст., диастолик артериал босим –  $95.4 \pm 5.3$  мм. сим. уст. )

II даража (мўътадил АГ) 36 беморда аниқланди (САБ -  $172 \pm 10.4$  мм. сим уст., ДАБ –  $103.9 \pm 8.6$  мм. сим. уст.)

III даража (юқори АГ) 7 беморда аниқланди. (САБ-  $186 \pm 11.5$  мм. сим. уст., ДАБ  $115 \pm 6.8$  мм. сим. уст.)

Беморларнинг ташхиси анамнестик маълумотлар, клиника-лаборатор ва инструментал текширувларга асосланган ҳолда аввалги ҳужжатларга таянган ва ҳозирги аҳволига асосланган ҳолда қўйилган.

## **2.2. Умумий лаборатор-асбобий текшириш усуллари**

### **Лаборатор таҳлиллар**

Умумий қон таҳлили, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари таҳлили.

Қон зардобадаги аланинаминотрансфераза, аспартатаминотрансфераза, билирубин, глюкоза, мочевино, креатинин, умумий оксил, калий, натрий, кальций, фосфор, қоннинг липид спектри ва коагулограмма “Human clot” (Хитой) анализаторида «Human GmbH» (Германия) стандарт реактивларида ўтказилди. Азот ва электролитлар алмашинуви гемодиализ гуруҳидаги беморларда гемодиализ муолажасидан аввал ўтказилди. Умумий холестерин миқдори, триглицеридлар, юқори ва паст зичликдаги липопротеидлар Hitachi 902 аппаратида текширилди. Липид спектри “Умумий Россия илмий кардиологлар жамияти” 2019й га асосан: гиперхолестеринемия (ГХС) >5,0 ммоль/л, гипертриглицеридемия (ГТГ) >1,7 ммоль/л, зичлиги паст липопротеидлар (ЗПД) >3,0 ммоль/л, зичлиги юқори липопротеидлар (ЗЮД) <1,0 ммоль/л (эркаларда) и <1,2 ммоль/л (аёлларда) ўрганилди.

КФТни аниқлашда СКД-ЕПІ формуласидан фойдаланилди. Ҳисоб-китоблар [http://www.kidney.org/professionals/gfr\\_calculator](http://www.kidney.org/professionals/gfr_calculator) сайтидаги National Kidney Foundation нинг online калькуляторида амалга оширилди.

Эхокардиография текшируви трансоракал услубида PHILIPS Affiniti 70 ускунасида (Германия), 3,5 Мгцли секторал датчикда Тошкент Тиббиёт Академияси 3-сонли клиникаси қабул бўлимида беморларни стандарт позициясида (чап тарафга енбошлаган холатида) олиб борилди. М-режим ASE (Америка эхокардиографияси)га асосланган холда утказилди. ЧҚ нинг ОСЎ ва ОДЎлари Simpson алгоритми орқали аниқлаб топилди.

Берилган ЭХОКГ ва доплер ЭХОКГ орқали қуйидаги кўрсаткичлар аниқлаб топилди.

-Чап қоринчанинг нормал геометрияси (Нисбий чап қоринча девори қалинлиги (ОТС) <0,42, нормал ЧҚМОИ)

-Концентрик ремоделировка (НЧҚДҚ <0,42, нормал ЧҚМОИ)

-Концентрик гипертрофия (НЧҚДҚ >0,42; ЧҚМОИ нормадан юқори)

-Экцентрик гипертрофия (НЧҚДҚ <0,42. ЧҚМОИ нормадан юқори)

Суткалик Холтер электрокардиография мониторинги вақт усуллари турли коэффициентларни ҳисоблаш билан normal sinus кардиоцикллари орасидаги кетма-кет RR интервалларининг давомийлигини ўлчашдан иборат еди. Normal кардиоциклларнинг QRS комплекслари орасидаги RR интерваллари одатда NN (normal normal) деб аталади. Вақт таҳлили давомида икки турдаги қийматлар баҳоланди: интервалларнинг давомийлиги NN ва қўшни интервалларнинг давомийлигидаги фарқ NN.

#### **Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш.**

Параметрларни қайта ишлаш Microsoft Office Excel-2010 ёрдамида маълумотлар сериясининг фоизи (%) аниқлаш орқали амалга оширилди: арифметик хатолик (M), ўртача арифметик хатолик (m), намунанинг медианаси, намунанинг тарқалиши (максимал ва минимал қийматлар). Кўрсаткичлар орасидаги фарқнинг ишончилиги Т-талабалар мезони ёрдамида амалга оширилди. Корреляция таҳлилида Пирсон корреляция коэффицентидан фойдаланилади ва ишончилик жадвали бўйича унинг

аҳамиятлилиги аниқланди. Фарқлар  $p < 0,05$  да аҳамиятли деб топилди. Жуда ишончли  $-p < 0,001$  да,  $p > 0,05$  да эса ишончсиз деб топилди. Сифат характеристикалари Хи квадрат мезони ва хавф-хатар омиллари мутаносиблиги ёрдамида гуруҳлараро фарқларни ҳисоблаш билан гуруҳларда юзага келиш частотаси бўйича баҳоланди.

**Диссертациянинг “Сурункали буйрак касаллиги турли этапларида ва буйрак реципиентларида клиник-лаборатор текшириш натижаларини баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида беморларда ўтказилган клиник-функционал текширув натижалари тасвирланган.

Кузатувда бўлган ҳар учала гуруҳдаги беморларда камқонликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг миқдорий ифодаси назорат гуруҳидагиларга нисбатан статистик аҳамиятли даражада паст эканлиги аниқланди.

Биз тадқиқотимизнинг ушбу босқичида илмий ишнинг II бобида келтирилганидек, умумий ҳисобда буйрак касаллиги билан оғриган 119 та бемор саралаб олинди. Биринчи гуруҳ 40 та бемордан ташкил топган бўлиб, СБК 3-4 босқичидаги беморлардир. Иккинчи гуруҳимизда эса дастурли гемодиализ сеансларига қатновчи беморларимиз ва ниҳоят учинчи гуруҳимиз буйрак реципиентлармиз. Ҳар уч гуруҳимизда биз лаборатор-функционал текширувларни бир йил давомидаги кўрсаткичларимизни диагностик тавсифини аниқланган ҳолда жадваллар тарзида қуйида бериб ўтаемиз.

## 2-жадвал

### Сурункали буйрак касаллиги турли босқичларида ва буйрак реципиентларида умумий қон таҳлилидаги ўзгаришлар

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи n=30	СБК 3-4 босқич Беморлар n=40/38	Дастурли гемодиализдаги беморлар n=40/36	БТ дан кейинги беморлар n=39
Гемоглабин	122±1,4	107,5±1,9***	90,3±2,4***	99,5±3,1***
	124,8±1,3***	92,0±0,85***^^	89,6±1,1***	115,2±1,7***
Эритроцит	4,7±0,07	3,6±0,06	3,0±0,09	3,2±0,09
	3,64±0,03	3,4±0,04***^^	2,3±0,06***	3,5±0,07^
Эритроцит чўкиш тезлиги	12±0,2	18,8±0,65***	29,7±1,3***	22,6±1,7***
	12,1±0,03	21,0±1,1***^^	31,9±1,7***^	12,3±1,9^^

**Изоҳ:** \* - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли. (\* -  $P < 0,05$ , \*\* -  $P < 0,01$ , \*\*\* $P < 0,001$ )

^ - фарқлар 1 йил аввалги кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли. (^ -  $P < 0,05$ , ^^ -  $P < 0,01$ , ^^ -  $P < 0,001$ )

Бир йил давомида кузатувларимиз шуни кўрсатдики иккинчи гуруҳимиздаги беморларда гемоглобин миқдори энг паст бўлиб  $89,6 \pm 1,1$  г/л гача тушган бўлса, учинчи гуруҳимизда аксинча  $115,2 \pm 1,7$  г/л гача кўтарилди, биринчи гуруҳимизда бу кўрсаткич  $92,0 \pm 0,85$  г/л ни ифодалаб гуруҳлараро кўрсаткичларимиз ишончли бўлди. Сурункали буйрак касаллиги ривожланган сари организмда эритроцитлар миқдори эритропоэтинга боғлиқ ҳолда камайиб

бореди. Шунга кўра биринчи гурухимизда эритроцитлар миқдори  $3,4 \pm 0,04 \cdot 10^{12}/л$ , иккинчи гурухимизда  $2,3 \pm 0,06 \cdot 10^{12}/л$  бўлса, учинчи гурухимизда бу миқдорнинг ортисини  $3,5 \pm 0,07 \cdot 10^{12}/л$  ни кўришимиз мумкин. Эритроцитлар чўкиш тезлиги биринчи гурухимизда  $21,0 \pm 1,1$  мм/с, иккинчи гурухимизда эса  $31,9 \pm 1,7$  мм/с бўлса учинчи гурухимизда  $12,3 \pm 1,9$  мм/с бўлиб йиллик ва гурухлараро  $p < 0,001$  биринчи гурухимизда аниқланди.

### 3-жадвал

#### Сурункали буйрак касаллиги турли босқичларида ва буйрак реципиентларида қон ивиш тизимидаги ўзгаришлар

Кўрсаткич	Назорат гурухи n=30	СБК 3-4 босқич Беморлар n=40/38	Дастурли гемодиализдаги беморлар n=40/36	БТ дан кейинги беморлар n=39
ХНН	$0,89 \pm 0,04$	$0,83 \pm 0,02^{**}$	$0,79 \pm 0,02^{***\wedge}$	$1,0 \pm 0,03^{***\wedge}$
	$1,1 \pm 0,02$	$0,8 \pm 0,01^{***}$	$0,7 \pm 0,03^{***\wedge\wedge}$	$1,2 \pm 0,03^{**}$
Фибриноген	$2,2 \pm 0,03$	$3,9 \pm 0,12^{***}$	$4,5 \pm 0,14^{***}$	$4,2 \pm 0,06^{***}$
	$3,8 \pm 0,3$	$4,7 \pm 0,09^{***\wedge\wedge}$	$5,3 \pm 0,18^{***\wedge}$	$3,5 \pm 0,11^{\wedge\wedge\wedge}$
ПТИ	$83 \pm 2$	$91,0 \pm 1,3$	$102,8 \pm 2,6$	$97,6 \pm 0,87$
	$87,4 \pm 0,02$	$96,7 \pm 0,88^{***\wedge\wedge}$	$106,3 \pm 1,5^{***}$	$93,0 \pm 0,50^{***\wedge\wedge\wedge}$

**Изоҳ:** \* - фарқлар назорат гурухи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли. (\* -  $P < 0,05$ , \*\* -  $P < 0,01$ , \*\*\* $P < 0,001$ )

$\wedge$  - фарқлар 1 йил аввалги кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли. ( $\wedge$  -  $P < 0,05$ ,  $\wedge\wedge$  -  $P < 0,01$ ,  $\wedge\wedge\wedge$  -  $P < 0,001$ )

Қоннинг қовушқоқлик хусусияти юрак қон-томир системаси ва буйрак функциясига бир хил аҳамият касб этади. Шунинг учун биз тадқиқотимизда ушбу кўрсаткични ёритиб ўтмоқчимиз. Фибриноген миқдори кўриб турганингиздек биринчи гурухимизда  $4,7 \pm 0,09$  г/л, энг юқори кўрсаткичимиз иккинчи гурухда  $5,3 \pm 0,18$  г/л бўлиб, учинчи гурухимизда эса аксинча  $3,5 \pm 0,11$  г/л эканлигини кўришингиз мумкин. Гурухлар ва йиллараро ишончсизлик аниқланмади. Протромбин индекси биринчи гурухимизда  $96,7 \pm 0,88\%$ , иккинчи гурухимизда  $106,3 \pm 1,5\%$  ва охириги учинчи гурухимизда  $93,0 \pm 0,50\%$ ни ташкил қилиб, гурухлараро кўрсаткичлар ишончли.

### 4-жадвал

#### Сурункали буйрак касаллиги турли босқичларида ва буйрак реципиентларида буйрак ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткич	Назорат гурухи n=30	СБК 3-4 босқич беморлар, n=40/38	Дастурли гемодиализдаги беморлар, n=40/36	БТ дан кейинги беморлар, n=39
креатинин	$95 \pm 2,6$	$244,9 \pm 8,4^{***}$	$479,4 \pm 7,9^{***}$	$117,1 \pm 4,7^{***}$
	$87,3 \pm 0,2$	$274,0 \pm 39,2^{***}$	$707,9 \pm 27,3^{***\wedge}$	$104 \pm 2,1^{***\wedge}$
КФТ	$92 \pm 1,7$	$31,5 \pm 2,0^{***}$	-	$47,6 \pm 1,8$
	$97,1 \pm 0,4$	$15,7 \pm 1,2^{***}$		$88,2 \pm 2,4^{***}$
мочевина	$6,6 \pm 1,8$	$14,4 \pm 0,61^{***}$	$23,4 \pm 0,93^{***}$	$11,7 \pm 1,0^{***}$
	$6,7 \pm 0,04$	$19,9 \pm 1,1^{\wedge}$	$24,5 \pm 0,69^{***}$	$8,4 \pm 2,2^{\wedge}$

**Изоҳ:** \* - фарқлар назорат гурухи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли. (\* -  $P < 0,05$ , \*\* -  $P < 0,01$ , \*\*\* $P < 0,001$ )

$\wedge$  - фарқлар 1 йил аввалги кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли. ( $\wedge$  -  $P < 0,05$ ,  $\wedge\wedge$  -  $P < 0,01$ ,  $\wedge\wedge\wedge$  -  $P < 0,001$ )

Буйрак функциясини кўрсатувчи катталикларидан бири креатинин биринчи гурухимизда  $274,0 \pm 39,2$  мкмоль/л ва иккинчи гурухимизда  $707,9 \pm 27,3$  мкмоль/лга ортган бўлса, учинчи гурухимизда эса  $104 \pm 2,1$  мкмоль/лга камайди, гурухлар орасида ишонч индекси  $p < 0,001$ ни кўрсатди. Коптокча фильтрация тезлиги биринчи гурухимизда бир йил давомида  $15,7 \pm 1,2$  мл/минга камайган бўлса, учинчи гурухимизда  $88,2 \pm 2,4$  мл/мин бўлиб ижобий ўзгаришни кўришингиз мумкин ( $p < 0,001$ ). Иккинчи гурухимизда эса буйрак ўрнини босувчи терапия яъни дастурли гемодиализдаги беморларимизда бу кўрсаткични буйрак функцияси бузилганлиги сабабли кўрсаткич сифатида олишга имкон бўлмади. Яна бир кўрсаткичларимиздан бири мочевина бўлиб, биринчи гурухимизда  $19,9 \pm 1,1$  ммоль/л, иккинчи гурухимизда  $24,5 \pm 0,69$  ммоль/л бўлиб кўрсаткичлар ортган бўлса, учинчи гурухимизда  $8,4 \pm 2,2$  ммоль/лга камайди ( $P < 0,001$ ).

### 5-жадвал

#### Сурункали буйрак касаллиги турли босқичларида ва буйрак реципиентларида биокимёвий ўзгаришлар кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Назорат гурухи n=30	СБК 3-4 босқич беморлар, n=40/38	Дастурли гемодиализдаги беморлар, n=40/36	БТ дан кейинги беморлар, n=39
Ум оксил	$67 \pm 0,7$	$61,9 \pm 1,3^{**}$	$54,8 \pm 0,89^{***}$	$61,3 \pm 0,43^{***}$
	$68,42 \pm 0,4$	$59,0 \pm 0,72^{***\wedge\wedge}$	$53,4 \pm 0,48^{***\wedge\wedge}$	$67,9 \pm 1,4^{\wedge\wedge}$
Альбумин	$47 \pm 1,8$	$38,6 \pm 0,47^{***}$	$30,3 \pm 0,43^{***}$	$35,9 \pm 1,1$
	$47,7 \pm 0,3$	$37,0 \pm 0,29^{***\wedge\wedge}$	$36,2 \pm 0,12^{***\wedge\wedge}$	$42,3 \pm 0,41^{***\wedge\wedge}$

**Изох:** \* - фарқлар назорат гурухи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли. (\* -  $P < 0,05$ , \*\* -  $P < 0,01$ , \*\*\* $P < 0,001$ )

^ - фарқлар 1 йил аввалги кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли. (^ -  $P < 0,05$ , ^^ -  $P < 0,01$ , ^^ -  $P < 0,001$ )

Лаборатор кўрсаткичларимиздан яна бири умумий оксил бўлиб биринчи гурухимизда  $59,0 \pm 0,72$  г/л, иккинчи гурухимизда  $53,4 \pm 0,48$  г/л ва учинчи гурухимизда  $67,9 \pm 1,4$  г/л бўлиб гурухлар ва йиллараро  $p < 0,001$ . Альбумин миқдори СБК 3-4 босқичдаги беморларимизда  $37,0 \pm 0,29$  г/л, гемодиализ қабул қилувчи гурухимизда  $36,2 \pm 0,12$  г/л ва буйрак реципиентларимизда  $42,3 \pm 0,41$  г/л бўлиб, гурухлараро ва йиллараро ишонч индекси  $p < 0,001$ га тенг.

### 6-жадвал

#### Сурункали буйрак касаллиги турли босқичларида ва буйрак реципиентларида липид спектридаги йиллик ўзгаришлар кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Назорат гурухи n=30	СБК 3-4 босқич беморлар, n=40/38	Дастурли гемодиализдаги беморлар, n=40/36	БТ дан кейинги беморлар, n=39
Умумий холестерин	$3,8 \pm 0,7$	$5,1 \pm 0,04$	$5,8 \pm 0,14$	$4,6 \pm 0,05$
	$4,78 \pm 0,32$	$5,2 \pm 0,03$	$5,7 \pm 0,03^{**}$	$4,2 \pm 0,05^{\wedge\wedge}$
ЗПЛП	$3,1 \pm 0,2$	$3,1 \pm 0,07$	$3,4 \pm 0,05^{***}$	$3,24 \pm 0,05^*$
	$3,25 \pm 0,03$	$4,3 \pm 0,04^{***\wedge\wedge}$	$4,8 \pm 0,03^{***\wedge\wedge}$	$3,2 \pm 0,02$
ЗЮЛП	$1,1 \pm 0,01$	$1,01 \pm 0,02^{***}$	$0,89 \pm 0,01^{***}$	$0,94 \pm 0,01^{***}$
	$1,23 \pm 0,02$	$0,90 \pm 0,01^{***}$	$0,86 \pm 0,16^*$	$1,2 \pm 0,04^{\wedge\wedge}$
ТГ	$1,43 \pm 0,2$	$2,2 \pm 0,03^{***}$	$2,9 \pm 0,06^{***}$	$1,8 \pm 0,01^{***}$
	$1,87 \pm 0,02$	$2,4 \pm 0,03^{***\wedge\wedge}$	$3,1 \pm 0,04^{***\wedge\wedge}$	$1,72 \pm 0,01^{***\wedge\wedge}$

**Изоҳ:** \* - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли. (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\*P<0,001)

^ - фарқлар 1 йил аввалги кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли. (^ - P<0,05, ^^ - P<0,01, ^^ - P<0,001)

Дислипидемия атеросклероз ривожланишининг етакчи сабабчиси ҳисобланади, ва бу, ўз навбатида, тож артерияларининг стенозланиши ҳисобига миокардда қон айланишини ноадекватлиги туфайли, юракни ремоделланишини ажралмас қисми бўлган миокарднинг электрик ва тузилмавий хусусиятларининг ўзгаришига олиб келади. Шу мақсадда бир йил давомида липид спектрни кузатдик. Умумий холестерин миқдори биринчи гуруҳимизда  $5,2 \pm 0,03$  ммоль/л, иккинчи гуруҳимизда эса  $5,7 \pm 0,03$  ммоль/л бўлиб энг юқори кўрсаткич шу гуруҳда қайд этилди. Учинчи гуруҳимизда эса  $4,2 \pm 0,05$  ммоль/л ва иккинчи гуруҳимизда гуруҳлааро ишонч индекси  $p < 0,01$ . Зичлиги паст липопротеид кўрсаткичимиз биринчи гуруҳимизда  $4,3 \pm 0,04$  ммоль/л, иккинчи гуруҳимиз  $4,8 \pm 0,03$  ммоль/л ва учинчи гуруҳимиз  $3,2 \pm 0,02$  ммоль/л бўлиб, гуруҳлараро ишончсизлик қайд этилмади. Зичлиги юқори липопротеидлар биринчи гуруҳда  $0,90 \pm 0,01$  ммоль/л ва иккинчи гуруҳда  $0,86 \pm 0,16$  ммоль/л бўлса, учинчи гуруҳимизда  $1,2 \pm 0,04$  ммоль/лни кўрсатди. Энг юқори ишонч индексимиз ( $p < 0,001$ ) биринчи ва йиллик учинчи гуруҳларимиз орасида кузатилди. Қондаги триглицеридлармиз миқдори биринчи гуруҳимизда  $2,4 \pm 0,03$  ммоль/л, иккинчи гуруҳимизда  $3,1 \pm 0,04$  ммоль/л ва учинчи гуруҳимизда  $1,72 \pm 0,01$  ммоль/л бўлиб, йил давомида биринчи ва иккинчи гуруҳимизда қонда триглицеридлар миқдори ортган ва аксинча учинчи гуруҳимизда бир оз камайган.

Сурункали буйрак касаллигида қондаги микроэлементлар миқдори балансининг бузилиши жумладан, гиперфосфатемия, гипокальциемия ва гипомагниемия нафақат қон-томирларга асорат бериши балким юрак ритми бузилишларига ҳам олиб келади. Магний элементимиз биринчи гуруҳимизда  $0,72 \pm 0,01$  ммоль/л, иккинчи гуруҳимизда  $0,69 \pm 0,01$  ммоль/л ва учинчи гуруҳимизда  $0,92 \pm 0,01$  ммоль/л бўлиб энг кам кўрсаткич иккинчи дастурли гемодиализ олувчи гуруҳимизда қайд этилди. Қонда калий миқдори ортиши юрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бўлиб, ритм бузилиш хавфи ортади. Сурункали буйрак касаллиги 3-4 этапдаги беморларимизда қонда калий миқдори  $5,2 \pm 0,04$  ммоль/л, дастурли гемодиализ олувчиларимизда  $5,4 \pm 0,02$  ммоль/л ва буйрак кўчириб ўтказиш амалиётини ўтказган беморларимизда  $4,3 \pm 0,10$  ммоль/лни ифодалаб, ишончсизлик аниқланмади.

## 7-жадвал

### Сурункали буйрак касаллиги турли босқичларида ва буйрак реципиентларида электролитлар йиллик ўзгариши кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Назорат Гуруҳи n=30	СБК 3-4 босқич беморлар, n=40/38	Дастурли гемодиализдаги беморлар, n=40/36	БТ дан кейинги беморлар, n=39
Фосфор	$0,9 \pm 0,02$	$1,0 \pm 0,01$ ***	$1,5 \pm 0,05$ ***	$1,1 \pm 0,03$ ***
	$1,03 \pm 0,01$	$1,3 \pm 0,01$ ***^^^	$2,5 \pm 0,06$ ***^^^	$0,92 \pm 0,02$ ***^

Калций	2,23±0,03	1,7±0,04***	1,5±0,04***	1,9±0,04***
	2,48±0,01	1,6±0,03***	1,39±0,05***	2,0±0,03***^^
Магний	1,1±0,01	0,80±0,02***	0,70±0,02***	0,88±0,03
	1,38±0,01	0,72±0,01***^^^	0,69±0,01***	0,92±0,01***^^^
Калий	3,8±0,1	5,7±0,18***	5,0±0,17***	4,5±0,13***
	3,82±0,03	5,2±0,04***^	5,4±0,02***^	4,3±0,10***

**Изоҳ:** \* - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли. (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\*P<0,001)

^ - фарқлар 1 йил аввалги кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли. (^ - P<0,05, ^^ - P<0,01, ^^ - P<0,001)

**Тадқиқотимизнинг “Сурункали буйрак касаллиги турли босқичларида ва буйрак реципиентларида асбобий текширув натижаларини солиштирма баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобда юракнинг эхокардиографик катталиклари ва Холтер мониторинги кўрсаткичларидаги катталиклар ифодаланган.

Тадқиқотимизнинг “Сурункали буйрак касаллиги турли босқичларида ва буйрак реципиентларида лаборатор-инструментал текширув натижаларини солиштирма баҳолаш” деб номланган бешинчи бобда йиллик натижалар келтириб ўтилган

#### 8-жадвал

